

ДАСТЛАБКИ ТУРКУМ ТАЙЁР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Электроника институти мутахассислари физика-математика фанлари номзоди, техника электроникаси гуруҳининг бошлиғи Султон Азизов бошчилигида «УТК-3А» янги кичик тегирмони лойиҳасини ишлаб чиқишда ва у ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди.

Республикада дон маҳсулотларини ушбу кичик тегирмон орқали унга айлантириш жойлардаги ҳужаликларда жуда асқотиши табиийдир. Электроника институтининг замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган цехида ишлаб чиқарилаётган «УТК-3А» кичик тегирмони бир соатда 150 килограмм донни янчиб ёлдо сифатли унга айлантириши мумкин. Тегирмон бугдой, арпа, жўрори, шўли долларини янчишга мўлжалланган. Мухими, тегирмон жамоа ва фермер ҳужаликлари, шахсий томорқа ҳужалиғи ва кичик корхоналар учун энг зарур ва қулай анжомдир. Чўки, янги тегирмон атиғи 5 квадрат метр майдонни эгаллайди ҳамда бошқа кичик тегирмонларга қараганда нархи арзон, конструкцияси содда, мустаҳкам ва ишлатилиши осондир.

Хозир тегирмоннинг дастлабки туркуми чиқарилиб Республиканинг бир неча вилоятларига жўнатилди. Буюртмачиларнинг таклиф-истакларига қўра институт мутахассислари шу кўнларда янада каттароқ қўватга эга, яъни соатига 250 килограмм сифатли дон ичкарайдиган кичик тегирмон лойиҳаси устида иш олиб бормоқдалар.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги олдидан

Туманлар йўқламаси

Чилонзор

лигида амалга оширилиши кўзда тутилган.

— Анвар Махмудович, Чилонзор тумани кўн миқоли ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган туманлардан бири ҳисобланадими...

— Дарҳақиқат туманимиз аҳолиси кўп миллиятли, Унинг ҳудудлиги 44 та маҳалла ягона оиладек барча миллият ва эллар вакиллари ўз бағрига олиб, уларнинг бошқин қовуштириб, ўзлаб келаяпти. Қўнлар ўтган сайин сезиларли даражада урф-олатларимиз, қадриятларимиз тикланиб борапти. Бу ҳам мустақиллигимиз шарофати туйғулдир.

Шу йилнинг охирига келиб турли миллият вакиллари билан бир бўлган маҳаллаларимиз ҳудудли яна 10 та гузар қўриб битказилиши режалаштириб олинган. Қўриб битказилаётган ҳар бир гузаримиздан маҳалла оқсоқоллари кенгаши, маиший хизмат қўраситиш масканлари, савдо расталари каби аҳоли учун энг зарур бўлган хизматлар учун хоналар ажратиб берилаяпти.

Туман аҳли, ташкилотлари уларнинг фаолияти бошчилигида Мустақиллик байрами арафасида бир ойллик ободончилик қўнлари билан шугулланиши, туманимиз тозаллиги ва озодлигида муҳим ўрин тутатганлигини айтиб ўтиш лозим.

ЖАҲОН БОЗОРИ САРИ

«Алгоритм», «Газ-энерго-сервис», «Пойабзалчи», «Фон», «Совпластитал», «Кока-Кола» каби корхоналарда ишлаб чиқарилган машина-созлик, металл қайта ишлаш, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, заргарлик маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўз хариддорларини топган. 1994 йилда саноат корхоналарида ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳажми 400,7 миллион сўмни ташкил этган бўлса, бу йил ушбу қўраситкичи янада ошириб бажариш мўлжалланмоқда. Бу ерда чет эл сармоясини жалб этиб, экспорт имкониятларини ошириш мақсадида 130 дан ортиқ ҳамкорликдаги қўшма, кичик корхоналар фаол иш юритмоқда.

КҮРККА КҮРК

вий қўмак қўраситиб келинапти.

Шу йилнинг ўзига 100 дан ортиқ қўн қаватли уйлар бутқул таямirlаб оларига топширилди. 30 дан ортиқ фахрийлар байрамга қаватли ва ер участкалари билан таъминландилар.

Қишга тайёргарлик қўриш ҳозирланок собиққамлик билан махсус режа асосида олиб бориляпти. Шу йилнинг ўзига икки минг метр ичимлик сув қувурлари, тўрт минг метр канализация қувурлари қўриб битказилди.

Байрам арафасида 1000 дан ортиқ фахрийлар, чернобичилар ва бошқа навабда турганлар хонадонига телефон урнатиб берилиши режалаштирилиб олинган.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг тўрт йиллиги байрамига муносиб совға сифатида туманимиз

маблаглар ҳисобига сезиларли даражада кенгайтирилиши, пойтахтимиз қўришга шубҳасиз ўзгача гузалик ва нафислик бахш этиди. Бешегоч қўригининг қайта қўриб битказилиши ва унинг атрофи ободонлаштирилиши ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонлар учун янги қўлайликлар яратиб берди.

Махсус иккисолий ҳудуд ташкил этиш мақсадида ҳамда маҳаллаларда аҳолининг иш билан таъминлаши йўлга қўйилиши жаддалаштирилиш ва жойларда турли қўнбузарликларнинг олинди олиш мақсадида туманимизда кичик корхоналар ташкил этиш жараёни қизғин давом этапти. Шу йилнинг ўзига 40 дан ортиқ кичик корхоналар ташкил этиш маҳаллари ва «Совпластитал», 5-так саройи ташкилотлари ҳамкор-



Чилонзор туманида ҳам истиқлолимизнинг тўрт йиллигини нишонлашга катта тарафдўр қўришмоқда. Туман ҳокими Анвар Махмудович Аминов билан бўлиб ўтган суҳбатимиз ҳам айни шу ҳақда бўлди.

— Анвар Махмудович, чилонзорликлар Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллигини нишонлашга қандай тайёргарлик қўришмоқдалар?

— Ватанимиз истиқлолга эришганининг 4 йиллиги туманимизнинг барча фуқаролари томонидан ўзгача қувонч ва катта эҳтиром билан қўриб олиниши шубҳасиз. Бизга ва биз билан ҳамнафас бўлиб турган юрдошларимизга неча асрлар давомида, ота-боболаримиз озиқиб қутган қўнларни, яъни озода Ватани қўриш насиб этиди. Унинг келажати қўн барчамиз масъулдир.

Биз бунини қўқур идрок этамиш, ва фахрланамиз, негаки бу қўнлар эришилиш йўлида неча-неча минг авлод ва аждодаларимиз жон олиб, жон беришган.

Уштин даврининг табиий учраши аниқ бўлган қийинчиликлар олдига халқимиз отишмай юрбошимиз И. А. Каримов афарида ўз сафларини яна ҳам жипсаштириб, ишлохотлар йўлида бир екадан бош чиқариб, муаммоларни ҳал этиши ҳатто

арбоблари келгусида минтақа давлатлари уртасидаги алоқаларни янада мустаҳкам-лайдиган фан ва маданият арбоблари уюшмаси ёки конгресси ташкил қилиш го-сини қўллаб-қувватлашлари тўғрисидаги мурожаатнома билан қилдилар.

• Харьковдаги шаҳар канализациясининг тозалаш иншоотларидаги авариядан сўнг икки ҳафта ўтгач санитар назорати хизмати Лопань ва Уда дарёларида ўткир ошқозон-ичак касалликлари қўзғатувчилари мавжуд эканлигини аниқлади.

• Киевда номаълум кишилар томонидан гаров тариқасида учта ливан бизнесменлари ўшланиб, яшириб қўйилди. Рэкетчилар уларнинг озода этилиши учун ўч миллион АҚШ доллариини Вашингтондаги банклардан бирига ўтказиш кераклигини талаб қилмоқдалар. Қизғин шундаки, улар ҳатто пул ўтказилиши даркор бўлган банкдаги ҳисоб рақамини ҳам билдирганлар.

• Шамиль Басаев тўдаси томонидан Бўдённовскда амалга оширилган қабих жиноятларнинг тергов жараёни натижасида ушбу хунрезликда қатнашган 20 та босқинчининг исми-шарифлари маълум бўлди ва уларнинг ҳар бирини қамоққа олиш тўғрисида санкциялар берилди.

ХОРИЖДА

• Словакиядаги Коменский университетининг ходимлари қўш системасидаги янги кичик планетани қайд қилдилар. Унинг Марс ва Юпитер ораллигида жойлашганлиги маълум бўлди.

• Франция Президенти Жак Ширак Боснияда мусулмон аҳлига бўлаётган тажовузларга чек қўйиш мақсадида қатъий ҳарбий ҳаракатларни бошлаш лозимлигини талаб қилди.

• Бирлашган Араб Амирликлари Федерал Олий судининг қарорига қўра ушбу мамлакатда яшайтган ва мусулмон бўлмаган аҳоли жамоат жойларида маст ҳолда юрадиган бўлса, уларга тан жазоси берилдиган бўлди.

• Амстердамдаги рақ муаммолари институтида ўтказилган охириги тадқиқотлар шунини қўрсатадики, ҳаво тегирмонлари атрофида яшайдиган болалар оқ қон ва мия рақининг кам учрайдиган тури билан икки баробар қўн касалланишлари мумкин экан.

Ваколат

БОШ ВАЗИФА — ПОЙТАХТ ОБОДОНЧИЛИГИ

Собир Раҳимов тумани 12-сайлов округи сайловчиларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты, Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулаганов билан учрашуви бўлиб ўтди. Туман ҳокими туғилган сайлов маҳалла оқсоқоллари, фаоллар ва тумандаги корхона — муассасаларнинг раҳбарлари йиғилиди. Учрашувини Собир Раҳимов тумани ҳокими Комилжон Тошпўлатов очди ва олиб борди.

Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутаты Қозим Тулаганов ўз маърузасида иккисолий ишлохотлар айни авж олган паллага кирган ҳозирги қўнларда шаҳарда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳусусида ба-тафсил тўхталиб ўтди. Айниқса, туман ҳудудида Эски шаҳарни қайта қўриш ва ободонлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда, — деди у. Ва Эски шаҳарга янги, замонавий қиёфа бахш этиш бугунги қўннинг энг муҳим ва-

қатнай бошлади. Ҳозиргача, — деди депутат, — Эски шаҳарликлар учун мингдан ортиқ қўлай уй-жойлар қўриб битказилди, 800 та оила янги уйларга қўчиб кирди. Депутат маърузасидан сўнг туман фаолларининг вакиллари сузга чиқиб, жойлардаги мавжуд ўтқуч ва муаммолар ҳақида гапирди, бу борадаги ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Чўнончи, Собир Раҳимов туманининг чекка қисмида янги қўрилаётган Майқўрган даҳасини ободонлаштириш, «Ачаобод» маҳалласида янги гузарни қўриб битказиш ишлари Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты К. Тулагановнинг бевосита назорати остига олинадиган бўлди.

Бобур ҲАСАНОВ.

1-Марказий Осиё уйинлари олдидан

ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК КҮРИЛМОҚДА

Қўни кеча республика жисмоний тарбия ва спорт ишлари давлат қўмитасида шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтадиган 1-Марказий Осиё уйинларига тайёргарликнинг бориши ҳақида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Собир Рузиев очди ва олиб борди. Матбуот конференцияси илк бор ўтказилаётган нуфузли мусобақаларни ёритиш, тарғиб қилиш масалаларига бағишланди. Унда матбуот нашрларидан, шунингдек республика радио ва телекомпаниясидан ҳам ижодий ходимлар иштирок этдилар.

— Спорт — мустақил давлатни оламга танитиш, унинг нуфузини оширишда муҳим воситалардан биридир, — деди Собир Рузиев, — бу вазифани адо этишда эса уни нечоғли кенг тарғиб этиш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш катта аҳамиятга эга. Чет эллардаги йиллик мусобақаларда қатнашиш учун биров воситаларда қатнашиш сафида журналистларимизнинг ҳам бўлиши га-лабаларимизнинг нуфузини янада оширган бўлур эди. Айниқса, 1-Марказий Осиё уйинларининг оммавий ахборот восита-

лари ёрдамида кенг ёритилиши муҳимдир. Ҳозир тайёргарлик ишлари қизгин бормоқда. Ташкилий қўмита ва ҳомийларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан бирга қўллаб чет эллик ҳамкасбларимиз, турли фирмалар ҳам ушбу уйинларга ҳомийлик қилиш истагини билдирмоқдалар. Масалан, ҳозирданок, Корея дэю-до федерацияси ёрдам тариқасида 20 та волейбол тупи, 16 та секундомер, Корея регби федерацияси 2000 донна қўрак нишонлари, анжуман рамзи таширилган таширф қоғозлари, буйинбоғлар, шу давлатнинг миллий Олимпия қўмитаси эса 50 жуфт бокс қўқопи, таэквандо кўстюмлари, маш-қатдохлари ҳамда жуда зарур бўлган таэквандо протекторларини ажратди. Хитой Миллий Олимпия қўмитаси ҳам 100 тадан волейбол, баскетбол, футбол туллари, дарвоза турлари, спорт кийимлари ва пойабзалларини совға қилди. «СКАФ» фирмасининг ҳомийлиги тўғрисида республика волейбол терма жамоамизини барча аъзолари спорт кийимлари билан тулиқ таъминландилар.

Беход ҲАКИМОВ.



СУРАТЛАРДА: туманда олиб борилаётган ободончилик ишлари унинг жамоли қўн сайин янада гўзаллашиб бораётганидан дарак бермоқда.

БАЙРАМ ДАСТУРЛАРИ

Туман меҳнатқашаларининг маданий-ҳордик чиқаришларида ҳозирги қўнда ўтказилаётган турли маданий-тадбирларнинг аҳамияти айниқса каттадир. Туманда фаолият қўрасаётган Глиэр, Нодира-бегим, Машраб, 5-маданий уйлари ҳам ўз куч-ғайратини аямаяпти.

Бу ерда мунтазам ўтказилаётган ижодий учрашувлар, томошалар, мусиқий байрамлар, сайиллар, анжуманлар фикримизнинг далили бўла олади. 3-сонли болалар санъат мактаби, Уста Олим Комилов, Тухтасин Жалилов номиди мусиқа мактаблари эса ешларнинг мусиқий маданиятини юксалтиришда катта ишларни амалга оширмоқда. Истиқлол байрамга бағишлаб тумандаги бадий ҳаваскорлик дасталари, мусиқий гуруҳлар махсус байрам дастурлари билан қўчалар, майдонлар, хибонларда иштирок этишга ҳозирлик қўрмоқдалар.

ОБОДОНЧИЛИК КЎЛАМЛАРИ

Туманда аҳолига қўлайликлар яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳудудда зарур миқдорда ичимлик ва оқава сув қувурлари ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, режаланганга қўшимча уй-жой қўрилиши мўлжалланган. Уй-жойлардан фойдаланишни яхшилаш, уларни таъмирлаш ишларини сифатли олиб бориш учун ҳар мавзеда уй-жойдан фойдаланиш ижара корхоналари тузилди.

Туман аҳлининг олиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида Каттортол, Волгоград ҳамда Чилонзор қўчаларидаги савдо расталари қўриб битказилиш арасидадир.

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЕДАН

«Левентуль» саноат коншери аҳоли талабини қўқур урганган ҳолда, кенг халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга ихти-сослашган. Концернда тик-кувчилик маҳсулотлари, турли кийим-кечаклар, пай-поқ-трикотаж маҳсулотлари, пойабзал ва бошқа турда-да кенг ассортиментли маҳсулотлар ўзининг сифат даражаси билан алоҳида ажралиб туради. Бу ерда айрим зарур ҳомашеларни шу ернинг ўзига тайёрлаш

иш унумининг янада оши-шига сабаб бўлмоқда.

Концерн корхоналарининг бўлимлари нафақат Тошкентда, балки юртимизнинг бошқа вилоятларида фаолият қўрасмоқда.

Корхона раҳбариятининг таъкидлашича, Мустақил-лик байрамнинг 4 йилли-гини муносиб қўтиб олиш-да катта ишлар амалга оширилмоқда, янги турда-ги маҳсулотлар ишлаб чи-қариш кенг йўлга қўйил-моқда.



СУРАТДА: «Совпластитал» корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулот намуналарининг айримларини қўриб турибди. Рустам Шарипов олган суратлар.

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Ўзбекистон — Италия билан ҳамкорликда таш-кил этилган учта тур-кил корхоналар ишни янада жонлантириб юборди.

Йилнинг биринчи ярим йиллигида 120 турдан ошқ замон та-лабига жавоб берувчи янги маҳсулотлар сотув-га чиқарилди.

Эндиликда юртдошларимизга Мустақиллик байрами тўғрисида сифа-тида Отатурк, Волгоград қўчаларида махсус дў-конларнинг очилиши кўзда тутилмоқда.

лишади. Бу ерда таш-кил этилган учта тур-кил корхоналар ишни янада жонлантириб юборди.

Йилнинг биринчи ярим йиллигида 120 турдан ошқ замон та-лабига жавоб берувчи янги маҳсулотлар сотув-га чиқарилди.

Эндиликда юртдошларимизга Мустақиллик байрами тўғрисида сифа-тида Отатурк, Волгоград қўчаларида махсус дў-конларнинг очилиши кўзда тутилмоқда.

ЭГАСИНИ ТОПГАЧ

Республикаимиз Прези-денти И. А. Каримов-нинг «Давлат тасарруфи-даги корхоналарини ак-циялаштиришни тезлаш-тириш ва қимматли қо-ғозлар бозорини тако-миллаштириш ҳақида-ги» Фармонини ҳаётга тадбиқ этиш борасида ту-манда қатор ишлар амал-га оширилди.

Шу қўнға қадар бу ер-да ўз мулк шаклини ўз-гартирган 29 та акция-дорлик жамияти, 53 та хусусий корхона, 60 жа-моа корхонаси, 3 та қўш-ма корхона мавжуддир. Акциядор жамиятла-рида 32,5 миллион сум-ликдан кўпроқ акциялар

чоп этилди. Меҳнат жа-моалари, давлат мулки ва тадбиркорликни қўл-лаб-қувватлаш қўмита-си, чет эл сармоядорла-ри томонидан ушбу қимматли қўғозлар қўл-лаб миқдорда сотиб олинмоқда. Давлат кор-хоналарнинг мулк қўри-ниши акциядор жамият-ларига айлантирилган-дан сўнг уларда асосий ишлаб чиқариш қўрас-кичи сезиларли даража-да ортмоқда. Бу «Ал-Те-мир», «Нафис», «Лола-59» дорихонаси, «Тош-қўриштиранс» корх-оналари мисолида яққол намоён бўлмоқда.

Материалларни Назоқат УСМОНОВА тайёрлади.

Республикаимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг бугунги босқичида хусусийлаштириш жараёнини тездаштириш, оқибатдаги ҳиссдорлик жамиятларини ташкил этиш энг долзарб вазифалар сирасига кирмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қimmatли қoғoзлар бoзoрини тaкoмиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги асосий вазифаларни белгилаб берди.

Миробод туманида корхона, ташкилот ва муассасалар, ҳиссдорлик жамиятларининг раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган туман фаолларининг семинар-кенгашида ҳам асосан акциялаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳиссдорлик жамиятларини тузиш масалалари ҳақида сўз борди.

Семинар-кенгаши Тошкент шаҳар ҳокимининг уринбосари, Давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Уткир Абдулхайи

Мулкни — ҳақиқий эгасига

МАҚСАД САРИ

ров очди ва олиб борди. У акциялар пакетининг турлари ва моҳияти, давлат корхонасининг ҳиссдорлик жамиятига айланиши учун қандай жараёнлар ўтиши, бунинг учун зарур бўладиган ҳужжатлар тўғрисида батафсил тушунча берди. Бу уринда бундан буён давлат корхоналарининг ҳиссдорлик жамиятларига ўтишлари пухта ишланган режа асосида нисбатан қисқа муддат ичида амалга оширилиши алоҳида таъкидланди.

Сўнг Миробод тумани ҳокими Валентин Чекареев маъруза қилди.

— Тошкентнинг асосий саноат ҳудудларидан бири бўлиши Миробод тумани қузулган мақсад сари дадил қадамлар билан илгариллаб бормоқда, — деди жумладан ҳоким. Ҳозир туманда «кичик хусусийлаштириш» тугаллиги, муҳим ва янада мураккаб иккинчи босқич бошланмоқда. Бу халқ ҳужалигининг турли соҳаларида урта ва кирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, бозор муносабатларини юқори поғонага кўтариш мақсадида ҳиссдорлик жамиятларини тузишдан иборатдир. Утган босқич давомида туманда 19 та кичик корхона, 46 та дукон, ошхона, маиший хизмат корхоналари хусусийлаштирилди.

Давлат корхоналарини ҳиссдорлик жамиятларига айлантириш ишлари ҳам жадаллашди ва ҳозир туманда 22 та шундай жамият тузилиб, улар жорий йил давомида ўз буюртмаларини муваффақиятли бажардилар.

Шунингдек, биз яқин муддатда туманда акцияларни сотишга мўлжалланган махсус дуконларни очиб, фонд биржалари филиаллари, кучмас мулк қиммати савдолари, айланма ва асосий воситалар қимматли қўғoзлари биржаларини очиб чораларини кўраимиз.

Миробод тумани ҳокими уринбосари О. Иноғомов туманда утган 5 ой ичида амалга оширилган ишлар ҳусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Маърузалар юзасидан муҳокамадорда «Узэлектрoаппарат» ҳиссдорлик жамиятининг раиси А. Алимов, «Қизил тонг» ҳиссдорлик жамияти раиси Х. Акбаров, «Узавтoсoзлaш»дан В. Липатов, «Учқун»дан А. Муҳиддиновлар сўзга чиқиб ҳиссдорлик жамиятининг афзалликлари, утган вақт ичида қулга киритилган ютуқлар тўғрисида гапириб ўз тажрибалари билан урқоқлашди. Ийгилигларини қизиқтирган масалалар юзасидан савол-жавоблар бўлди.

Семинар-кенгаш сўнгида қўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам акциялаштириш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича фаолларнинг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Яқинда пойтахтнинг Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги биносида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қimmatли қoғoзлар бoзoрини тaкoмиллаштириш чoра-тадбирлари тўғрисида»ги шу йил 12 июнь Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ўшбу масалага оид қароридан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими уринбосарлари бўлими бошлиқлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари қатнашдилар. Йиғилишда туман ҳокими Аҳмаджон Миржаллиев сўзга чиқди.

— Туманимизда савдо, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда ошхоналар юз фоиз хусусийлаштирилди, — деди у. — Бошқача қилиб айтганда 363 та корхона

мулкчиликнинг замонавий услубга ўтказилди.

Лекин шунинг ҳам айтиб ўтиш кераки, туманда 1,5 мингта корхона бўлишига қарамай, шуларнинг 57 тасигина ҳиссдорлик жамиятига ўтган. Шулардан битта «Шарқ гули» ҳиссдорлик жа

лари маҳсулотлар билан тулиб ётибди. Аммо унинг сотилиши жуда сустр. Шунинг учун корхона ўзи яхши ишламаса, ҳиссдорлик жамиятига ўтишининг фойдаси йўқ.

Иккинчидан, куп жойларда корхонанинг даромадидан қimmatли қoғoзлар тарқатилмоқда. Бу ҳам

Президент Фармони—амалда

АКЦИЯДОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

мияти акция эгаларига дивиденд тулаб келаяпти холос. Бунинг сабабларидан бири куп корхоналар акциядорлик жамиятига ўтса ҳам фойдани яхши ололмаёпти. Сабаби улар ҳозирги бозор талабига жавоб бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни эпийлаёптилар. Натижада корхона омбор

нотўғри. Чунки ўз чўнтагидан пул туламаган киши қандай қилиб корхона учун қайғуриши мумкин? Ана шу акциядорлар корхонанинг ҳақиқий ҳужайини бўла оладиларми? Албатта, йўқ. Туманимизда корхоналарнинг акциядорлик жамиятига ўтишининг сустлигининг яна бир сабаби куп жойлардаги расмийлаштирилди. Нимага де

олган дивидендларидан бор-йўғи 15 фоиз солиқ тулайдиган бўлишди.


Айни пайтда Президент Фармони бажариш бўйича анча ишлар қилинмоқда. Масалан, акциядорлик жамиятига ўтаётган корхоналарга яқиндан ёрдам бериш мақсадида туман ҳокимлигида қароргоҳ тузилган. Унга раҳбар қилиб

туман ҳокими уринбосари Раҳим Рўзимухамедов тайинланди. Ҳамма муаммолар бўйича шу комиссияга мурожаат қилиш мумкин.

Семинар-кенгашида Тошкент шаҳар ҳокими муовини, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Уткир Абдулхайтов сўзга чиқиб, йиғилишдаги ҳиссдорлик жамиятига ўтишининг 50 кунгача қисқартирилган жараёнини тушунтириб берди. У корхона раҳбарлари янги шароитга мослашиши учун уларни ўқитишдаги курслар ташкил қилишни тақдир қилди. Корхона раҳбарларининг ҳиссдорлик жамиятига ўтиш борасидаги саволларига аниқ жавоблар берди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг уринбосари Бахтиёр Мақсудхужаев қатнашди.

Ғулом ЮСУПОВ.



Юнусовод туманининг 10-мавзесида йирик электр таъдир қурилиши давом этмоқда. Бу маъсул ушактани тиклаш ишида ўз касбининг устаслари бўлган мутахассислар қатнашишяпти.

СУРАТДА: қурилишнинг бугунги қиёфаси.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларини 1-троллейбус жамоаси ҳам уздабуронлик билан енгиб борапти. Турли миллат вакилларида таркиб топган 400 кишилик аҳил жамоа ҳар кун 1-троллейбусда 13,217 қириқ йўл босишга эришапти. Тонг саҳардан 76 та машина саройдан чиқиб белгиланган бекатларни бир-бири билан туташтирмоқда.

— Иллаган имкон топади, деганларидек имконият даражасида ишлаяпмиз, — дейди биз билан сўхбатда сарой тасарруф бўлими бошлиғи Собир Аббосов. — Тўғри, ҳозир ҳайдовчилар етишмайди. Бу жиддий муаммони бартараф этиш мақсадида ўқув комбинатида ҳайдовчилар тайёрлаш курси ташкил этилди. Ҳозир бу ерда булажак троллейбус бошқарувчилари тахсил олмақда. Кейинги икки ойда 8 та ҳайдовчи сафимизни тўлдирди. Яна 12 та ҳайдовчи жамоамизга келиб қўшилиш арафасида. Режаларимиз амалга ошадиган бўлса, аҳолига хизмат кўрсатиш яхшиланади.

Ҳар бир жамоанинг илгори бўлади. Троллейбусчилар орасида 12-йўналишни «машъал» дея фахрланишди.

Узоқни яқин қилаётганлар

ЙЎНАЛИШ МАШЪАЛПАРИ

Яқинда бу йўналишга хавфсиз юрۇвчилар устаси Эркин Хидиров сардор этиб тайинланди. Ҳозир бу йўналиш хамшарларимизга талабдор даражада транспорт хизмати кўрсатмоқда. «Ўзбекистон» метроси — Чилонзор — 22 мавзеси оралиғи 13,1 қириқ йўл бўлиб, ҳар кун 8 та машина 15 бекатни бир-бирига туташтиради.

Ҳайдовчилик касбининг фидокори Зокир Мирзаев, Хайрулла Тулаганов, Икром Холманов, Мурод Мирзаевлар кундалик йўловчилар ташкил режаларини ошириб бажаришяпти. Шунингдек, «Шаҳар белбоғи» деган фахрли ном олган 14-троллейбус йўналиши ҳайдовчилари ҳам бу машъаллардан қолишмайди. Бу йўналишда 20 та машина ҳаракат қилади. Ҳар бир машинанинг техник соғлигини сардор Абдумалик Муллажаев назоратдан ўтказди. Машина салонлари ҳаммаша озода, саранжом-сармаша, уриндиклари мустаҳкам ва ойналари ярақлаб туради.

Йўналиш илгори Зинаида Новикова ҳақида куп илиқ

«Ўзбекистон» нашриёти Президентимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни, мустақилликни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишга қаратилган кўп қиррали ташкилий-сиёсий ишларни кенг миқёсда тарғиб қилишга интиломоқда. Эркин ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимиз ҳаётини халқимизга, чет мамлакатлар китобхоналарига таништиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Нашриёт ижодий жамоаси ўтмиш маданий меросимиз, миллий қадриятимизни тиклаш, халқимизни улуг мақсадларга сафарбар этиш борасида ноширчиликимизни давр талаби асосида ривожлантириш, етарли даражада ижтимоий-сиёсий адабиёт, дарсликлар, кўргазмалар воситалар чоп этиб, уларни тарқатиш соҳасида ташаббус кўрсатмоқда. Жамоа аъзолари ўз ижодий қобилияти ва имкониятларини мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қаратмоқда. Шу кунларда нашриёт ташкил топланишига 70 йил тўлди. Ана шу сана арафасида муҳбиримиз нашриёт директори Рўздат Сафаров билан жамоанинг ижодий йўли ҳақида сўхбатлашди.

— Нашриётнинг босиб ўтган йўли ҳақида қисқача ҳикоя қилсангиз.

— «Ўзбекистон» давлат нашриёти 1925 йилда ташкил топган дастлабки миллий-маданий ўчоқларидан бўлиб, республикамиз тарихи, маданияти, фани, маданий мероси, тараққиётига оид ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп адабиётларни чоп этишни йўлга қўйган. Дастлабки кўнунлар, Ўзбекистон ҳақидаги маълумотномалар, етакчи фан, адабиёт ва санъат ар

«Ўзбекистон» нашриёти — 70 ёшда

ШОНЛИ ЙЎЛ ЗАРВАРАҚЛАРИ

боблари — Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Тавалло, Сўфизода, Абдулла Қодирий, Қўлпон, Фитрат, Гафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Хамид Олимжонларнинг асарлари, дарсликлар нашр этилиб, тарқатилган. Шунингдек, Оқинбобов, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов ва бошқа давлат арбоблари нутқлари, мақолалари тўпламлари, плакатлар чоп этилган.

— Республикаимизнинг мустақилликка эришиши нашриёт ишига қандай таъсир кўрсатди?

— Албатта, бу воқеа жамоамиз учун беқиёс ижодий имконият яратди. Утган ўз йилдан зиёдрок вақт мобайнида нашриёт мингга яқин номдаги 15 миллион нусхалик ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп тарихий асарлар ва олий ўқув юртлири учун дарсликлар нашр этди. Республикаимиз мустақиллиги билан бoғлиқ бўлган барча ҳужжатлар, сиёсий-иқтисодий адабиётлар, шу қутлуғ даргоҳда китобхоналарга етказилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, муҳим қонунлар, фармонлар тўплами, бошқа адабиётлар, рус, инглиз, немис, француз, испан, турк ва бошқа тилларда оммавий нусхаларда чиқарилди. Республикаимиз Президент Ислам Каримовнинг 20 дан ортиқ номдаги муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган қарорларини бир неча тилларда нашр этиб, тарихимизнинг янги саҳифаларини яратишга муносиб ҳисса қўшди. Яқинда Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли рисолиси чоп этилди. Ҳозирги кунда Ислам Каримовнинг асарлари тўпламининг учинчи китобини нашрга тайёрлаш ишлари тугалланди. Нашриёт Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги муҳим воқеалар, Президент сайловлари, Олий Мажлисга сайловлар, умумхалқ референдуми каби сиёсий кампаниялар, чет давлатлар раҳбарлари

нинг республикамизга ташири, бошқа нуфузли воқеаларни нишонлашга бағишланган жаҳон талаблари даражасидаги босма маҳсулотларни чиқариб бoй таъриба ортиради. Ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этилган «Ўзбекистон Республикаси», «Ўзбекистон Республикаси бугун» номли ва бошқа маълумотномалар, «Хива», «Қашқадарё» безакли альбомлари, қатор плакатлар ана шулар жумласидандир. Бу ишлар мустақил давлатимиз, халқимизни жаҳонга танитиш мақсадидаги дастлабки қадамлардир.

— Мустақиллик шарофати билан маънавий меросимизга, ўтмиш маданиятимизга муносабат тубдан ўзгарди. Нашриёт жамоаси ўтмиш маънавий меросимизни тарғиб қилиш борасида қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Дарҳақиқат, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, маънавий меросимизни тарғиб қилишга кенг имкониятлар вужудга келди. Нашриёт жамоаси «Шарқ мутафаккирлари», «Ватанин севмоқ иймандандир», «Ғойиблар ҳайлидан ёнган чироқлар», «Халқ оғзаки ижоди», «Қадимий шаҳарлар» туркумидаги китоб ва рисоаларни чоп этишга киришди. Ғалабининг 50 йиллиғи арафасида Қашқадарё, Андижон, Тошкент, Сирдарё вилоятларининг 8 жилдлик «Хотира» китобини нашрдан чиқарди.

— Нашриёт жамоаси миллий ноширларни тарбиялашга қандай ҳисса қўшган?

— Жамоамиз бу борада ўзига ҳос мактаб яратган десак муболага бўлмайди. Ойбек, Гафур Ғулом, Хамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Хўсайн Шамс, Мирзакалон Исмомий, Мамарасул Бобоев, Туроб Тула, Шукур Саъдулла, Миртемир сингари аjoyиб сўз устаслари, Н. Саидов, А. Уразаев, Н. Охундий, Ф. Юнусов, А. Раҳим каби ноширлар, И. Икромов каби мусаввирлар шу нашриётда меҳнат қилиб ижодий қамолатга эришганлар.

Кейинги йилларда нашриёт заминада «Ўқитувчи», Гафур Ғулом, Абдулла Қодирий, Абу Али ибн Сино номдаги, «Меҳнат» ва бошқа нашриётлар ташкил қилинди.

Нашриётимиз ҳам хориз сари юз тутмоқда. У Ҳамдустлик давлатлари, АКШ, Франция, Олмон, Финляндия, Туркия ва бошқа матбаа ишларида бoй таърибага эга бўлган мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Матбаа ашъалари қамбеллигига қарамадан бу ерда йилгига умумий ҳажми 2-миң бoсма табоқ, умумий тиражи 3,7 миллиондан иборат бўлган 200 номда китоб, рисола, плакатлар, тасвирий маҳсулотлар, бююртма адабиётлар нашр этилмоқда.

Жамоа аъзоларининг самарали меҳнати ҳукуматимиз томонидан юқори баҳо олган. Нашриёт 1965 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиғи, 1975 йилда «Халқлар дўстлиги» ордени билан тақдирланди.

Сўхбатдош

Махшара МИРЗАМУХАМЕДОВА.

— Ўзбекистон Республикасининг Солиқлар тўғрисидаги қонунлари ва бошқа амалий ҳужжатлар фаолиятимиз мезони бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Ҳамза тумани давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи Азмиддин Султонов. — Рўйхатга олинган мижозларимиз билан 4 марта семинар машғулот ташкил қилдик. Унга етакчи мутахассислар қатнашиб, солиқ сиёсатидаги янгиликлар ҳақида, ойлик ва чорак яқунлари ҳусусида услубий тавсиялар бериб, савол-жавоб уюштирдилар.

таъкидламоқ лозим. Ишлаб чиқилган дастурлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ тўғрисидаги қонунларига тулиқ мос келган ҳолда синновдан ўтиб корхона ва ташкилотларни бюджет ҳисоби муносабатларини тулиқ автоматлаштириш имконини берди ва 1995 йилдан бошлаб барча корхона ва ташкилотлар, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларни фаолиятига жорий қилина бошланди.

Туманда 51 миң мол-мулк, 12 миң ер ва 5 миң транспорт солиғи туловчилари рўйхатга олинганли

риб уларга қонунда кўрсатилганидек, солиқ солишда имтиёзлар берамиз. Шу билан бирга ўша адолат мезонини бир томонлама — ўз фойдасига қўзлаб тушунган ҳар қандай раҳбар билан мurosасиз курашамиз.

Масалан, туманда фаолият кўрсатаётган 1296 та турли корхона ва ташкилотлардан 366 тасида ўтказилган текширув натижалари шуни кўрсатдики, айрим корхоналарнинг мутасаддилари солиқ туловларини куп ҳолларда яшириб қолишга

изчил иш олиб бормоқда.

— Азмиддин Рамзидинович, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ҳуқуқи ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Туманимизда бугунги кунга қадар 2589 та тадбиркорлик ҳамда яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган шахслар ҳисобга олинган ва уларга тегишли қайд гувоҳномалари берилган. Уларнинг иш фаолиятлари 2311 бора қуриб қилиб, 4 миллион сўмга яқин миқдордаги даромад солиғи солинган. Бу маблагнинг қатта қисми бюджетга тушди. Ана шу текширув натижаларида 123 фуқаро-тадбиркор томонидан даромад манбаларини беркитиш ҳоллари аниқланиб, улардан 93 миң 367 сўм давлат бюджетига ундирилди. Туман солиқ инспекцияси ички ишлари ходимлари билан биргаликда тумандаги мавжуд бозорлар, савдо тармоқлари ва шохобчаларида ўтказган тадбирларда солиқ тўғрисидаги қонунни бузиб «тирикчилик» қилаётган фуқаролардан 493 тасини аниқлади ва уларга 179 миң 750 сўм жарима солиғини ундириб олинди. Бундан ташқари ўшбу текширувлар натижасида 25 та фуқаронинг рухсатсиз савдо қилаётгани аниқланиб уларнинг деярли 100 миң сўмга яқин моллари мусодала қилинди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши юзасидан корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш тўғрисида»ги Фармонига асосан туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари қандай ишлар олиб бормоқдалар?

— Президентимизнинг ўшбу Фармони корхоналарни бир-бирлари билан алоқаларини яхшилашга, узаро ҳисоб-китобларни маъсулият билан олиб бoришга қолаверса, солиқ қонунларини тула-тукис бажаришга хизмат қилади. Фармон эълон қилингандан кейин тумандаги корхона ва ташкилот раҳбарлари билан мажлис ўтказиб, уни бажариш борасида тадбирлар ишлаб чиқдик. Илгор корхоналарнинг бу борадаги тажрибалари билан урқоқлашди.

Биз ривожланган мамлакатларда аллақачон ҳаёт тарзига айланиб қолган солиқ сиёсатининг қудратини энди бошимиздан кечирмоқдамиз. Шундай экан, асосий ишимизнинг бири шiori қилиб — ҳар бир фуқарога солиқ сиёсатининг моҳиятини тўғри тушунириш ва уни амалга оширишдан иборат қилиб белгиланмоғимиз керак.

Неъматжон ХАСАНОВ, СУРАТДА: туман солиқ инспекцияси ҳаётидан лаҳза.

Рустам Шарипов олган суратлар.

